



Ислом Нури

Абу Довуд ривоят қилган ҳадисда Абдуллоҳ ибн Омир розияллоҳу алайҳи ва саллам бизнинг уйимизда ўтирганларида онам менга: «Ҳой, буёққа кел, бир нарса бераман», деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унга: «Боллага нима бермоқчи эдингиз?», дедилар. «Хурмо бермоқчи эдим», деди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Билиб қўйинг, агар ҳеч нарса бермаганингизда сизга битта ёлғон ёзилган бўларди», дедилар.

Абу Довуд ва Термизий келтирган ҳадисда Баҳз ибн Ҳаким отасидан, у бобосидан ривоят қилади: «Мен Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: «Одамларни кулдириш учун гапириб, ёлғон сўзлайдиган киши ҳолига вой бўлсин, вой бўлсин, вой бўлсин!!», деганларини эшитганман».

Абу Довуд ва Термизий келтирган ҳадисда Баҳз ибн Ҳаким отасидан, у бобосидан ривоят қилади: «Мен Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: «Одамларни кулдириш учун гапириб, ёлғон сўзлайдиган киши ҳолига вой бўлсин, вой бўлсин, вой бўлсин!!», деганларини эшитганман».

Абу Довуд ва Термизий келтирган ҳадисда Баҳз ибн Ҳаким отасидан, у бобосидан ривоят қилади: «Мен Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: «Одамларни кулдириш учун гапириб, ёлғон сўзлайдиган киши ҳолига вой бўлсин, вой бўлсин, вой бўлсин!!», деганларини эшитганман».

Абу Довуд ва Термизий келтирган ҳадисда Баҳз ибн Ҳаким отасидан, у бобосидан ривоят қилади: «Мен Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: «Одамларни кулдириш учун гапириб, ёлғон сўзлайдиган киши ҳолига вой бўлсин, вой бўлсин, вой бўлсин!!», деганларини эшитганман».



Ислом Нури

«...» :...
...)

Имом Муслим Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Эшитган ҳар бир нарсани сўзлайвериши кишининг ёлғон сўзлаб қўйишига кифоя қилади».

...» :...
...)

Имом Абу Довуд ривоят қилган ҳадисда Абу Масъуд розияллоҳу анҳу айтади: Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: ««Айтишларича» (яъни, эмишки) деган сўз кишининг (мақсадга етказувчи) нақадар ёмон уловидир», деганларини эшитганман.

Шарҳ:

Одамларни кулдириш, болаларни юпатиш учун ёлғон сўзларни сўзлаш кўпчилик бепарво бўладиган, аслида ҳаром ва гуноҳи кабира бўлган ишларга кирди. Шунингдек, киши ўзи эшитган ҳар бир гапни яхши текширмай туриб бошқаларга айтишлиги ҳам уни ёлғончиликка олиб боради. Чунки, эшитганлари орасида рости ҳам, ёлғони ҳам бўлади. Эшитганини айтавериш билан ўзи сезмаган ҳолда ёлғон тарқалишига сабаб бўлиб, ёлғончига айланиб қолади.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1. Майда-чуйда ишларда ҳам, ҳатто болаларни овинтириш учун бўлса-да, ёлғон сўзлашдан тийилиш лозим;



2. Одамларни кулдириш учун ёлғон сўзлаб аския айтиш ва қизиқчилик қилишнинг гуноҳи қаттиқ;
3. Инсон ўзи эшитган ҳар бир гапни айтавериши яхши эмас, бу билан у ёлғон гапларни ҳам айтиб юбориши мумкин.